



## THE IMPLEMENTATION OF STATELESSNESS IN THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA AS PART OF THE GLOBAL CAMPAIGN OF THE UNITED NATIONS HIGH COMMISSIONER FOR REFUGEES TO END STATELESSNESS AROUND THE WORLD

*Bekhzod Alisherovich Sayfullaev*  
researcher

*Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan*  
*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** citizenship, statelessness, Convention, national legislation, legislative act, constitutional law.

**Received:** 23.08.24

**Accepted:** 25.08.24

**Published:** 27.08.24

**Abstract:** The article describes the activity of Central Asian countries including Uzbekistan on reducing statelessness. At the same time, issues such as the practice of ensuring human rights in independent States and the elimination of statelessness are widely considered as part of the Global campaign of the United Nations High Commissioner for Refugees, #IBeiong, aimed to eliminate statelessness by 2024.

## БМТ ҚОЧҚИНЛАР БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРЛИГИНИНГ ДУНЁ БЎЙЛАБ ФУҚАРОСИЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ КОМПАНИЯСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ФУҚАРОСИЗЛИКНИ ҚИҚАРТИРИШ АМАЛИЁТИ

*Бехзод Алишеревич Сайфуллаев*

*тадқиқотчи*

*ИИВ Академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** фуқаролик, фуқаросизлик, конунчилик, конституциявий конун.

**сўзлар:** Конвенция, конун

фуқаролик, миллий хужжати,

**Аннотация:** Мақолада Марказий Осиё давлатларида, шу жумладан Ўзбекистонда фуқаросизликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилган. Бунда, дунё бўйлаб БМТнинг Қочқинлар бўйича олий комиссарлигининг 2024 йилга қадар фуқаросизликка чек қўйиш бўйича #IBeiong глобал компанияси доирасида мустақил давлатларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва

фуқаросизликка чек қўйиш амалиёти каби масалаларга кенг тўхталган.

## РЕАЛИЗАЦИЯ БЕЗГРАЖДАНСТВА В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В РАМКАХ ГЛОБАЛЬНОЙ КАМПАНИИ ВЕРХОВНОГО КОМИССАРА ООН ПО ДЕЛАМ БЕЖЕНЦЕВ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ БЕЗГРАЖДАНСТВА ВО ВСЕМ МИРЕ

*Бехзод Алишерович Сайфуллаев.*

*Исследователь*

*Академия МВД Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** гражданства, безгражданства, Конвенция, национальная законодательство, законодательный документ, конституционный закон.

**Аннотация:** В статье рассказывается о работе, проводимой в странах Центральной Азии, включая Узбекистан, по сокращению безгражданства. При этом широко рассматриваются такие вопросы, как практика обеспечения прав человека в независимых государствах и искоренение безгражданства в рамках глобальной кампании #IBeiong Управления Верховного комиссара ООН по делам беженцев по всему миру, направленной на искоренение безгражданства к 2024 году.

### КИРИШ

Фуқаролик — давлат ва фуқаронинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамида жавобгарликлари мажмуида ифодаланувчи, шахс ва давлат ўртасидаги барқарор ҳуқуқий алоқадир[1]. Фуқаросизлик эса бирон-бир давлат томонидан фуқаро деб ҳисобланмайдиган шахс.

Фуқаросизлик – дунё миқёсида камида 4 миллион инсоннинг тақдирига дахл қилиб турадиган жиддий муаммодир. Фуқаросизликнинг келиб чиқиш омиллари турлича бўлиб, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги номукамалликлар, шунингдек, миграция билан боғлиқ ҳолатлар бунга сабаб бўлиши мумкин[2].

### АСОСИЙ ҚИСМ

Фуқаросизлик, яъни фуқароликка эга эмаслик – ҳеч бир давлат муайян шахсни ўз фуқароси деб тан олмайдиган ҳолат. Бу муаммо бутун дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар, жумладан, фақат Марказий Осиёнинг ўзидагина 37 мингдан ортиқ кишининг тақдирига таъсир кўрсатмоқда. Фуқаролиги бўлмаган шахслар аксарият ҳолларда таълим олиш, муносиб ишга жойлашиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва эркин ҳаракатланиш каби асосий ҳуқуқлардан маҳрумдир[3].

Фуқаросизлик инсоннинг энг асосий ҳуқуқлари ва турли хизматлардан фойдаланишини қийинлаштиради, ўз келажагини мустақил равишда белгилаш имкониятидан маҳрум бўлади. ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишга йўл қўймайди.

Фуқаролик масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш асосан ҳар бир давлатнинг ички ваколати ҳисобланади ва унинг миллий қонунчилиги билан тартибга солинади. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги алоҳида масалалар бўйича муносабатларда давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар кўринишидаги халқаро ҳуқуқий қоидалар татбиқ қилинади.

Собиқ иттифоқ парчаланиб, ҳар бир мустақил давлат мустақилликка эришгач, ўзининг давлат рамзлари билан бир қаторда, фуқаролик тўғрисидаги қонунларини қабул қилиш зарурияти юзага келди. Улар ўзида жамиятда содир бўлган барча ўзгаришларни мужассамлаштирди. Хусусан, 1990–1991 йилларда собиқ иттифоқ таркибига кирган кўплаб республикаларда фуқаролик тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди[4].

Мустақил давлатлар фуқаролик тўғрисидаги ўз қонунларида ҳар бир шахсга мамлакат фуқароси деб ҳисобланиши учун муайян талабни қўйди. Натижада Марказий Осиё давлатларида юз мингдан ортиқ инсонлар фуқаролиги бўлмаган шахс мақомига тушиб қолди[5].

БМТнинг 1954 йилда қабул қилинган “Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мақоми тўғрисида”ги ва 1961 йилда қабул қилинган “Фуқаросизликни камайтириш тўғрисида”ги конвенцияларига мувофиқ, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомлари белгиланган бўлиб, ҳар бир конвенцияга аъзо давлатларга маълум бир мажбуриятлар юклатилган.

Шу жиҳатдан 2014 йилдан БМТнинг Қочқинлар бўйича олий комиссарлиги (ҚБОК) томонидан дунё бўйлаб 2024 йилга қадар фуқаросизликка чек қўйиш бўйича #IBeing (“Мен мансубман”) глобал компанияни амалга ошириш бошланган. У фуқаросизлик ҳолатларига барҳам бериш ва шундай вазиятлар яна юзага келишининг олдини олишга қаратилган 10 та қадамдан иборат дастурни ўзига қамраган кенг қўламдаги ҳаракатлар режасига асосланган куйидаги чора-тадбирлардан иборат:

- 1) мавжуд кенг қўламдаги фуқаросизликни ҳал этиш;
- 2) ҳар бир боланинг фуқаролиги бўлган ҳолда туғилишини таъминлаш;
- 3) маҳаллий қонунчиликдан гендер камситишни олиб ташлаш;
- 4) камситувчи сабаблар асосида фуқароликни рад этиш, йўқотиш ёки ундан маҳрум қилишининг олдини олиш;
- 5) давлат ворислиги ҳолатларида фуқаролик йўқлигининг олдини олиш;

- 6) фуқаролиги бўлмаган мигрантларга ҳимояланган мақом бериш ва уларни фуқароликка қабул қилишни соддалаштириш;
- 7) фуқаролик йўқлигининг олдини олиш мақсадида туғилишни рўйхатга олишни йўлга қўйиш;
- 8) фуқаролик олиш ҳуқуқига эга шахсларга фуқаролик ҳужжатларини бериш;
- 9) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаросизлик тўғрисидаги конвенцияларига қўшилиш;
- 10) фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги сон ва сифат маълумотларига аниқлик киритиш[6].

БМТнинг ҚБОК маълумотларига асосан, 2014 йилда Марказий Осиё давлатларида 138 961 нафар, шундан, Қозоғистонда 20 499 нафар, Қирғизистонда 731 нафар, Тожикистонда 2 222 нафар, Туркменистонда 3 618 нафар ва Ўзбекистонда 111 891 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар яшаши аниқланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов таъкидлаганидек, “фуқаросизлик муаммосига ижобий ечим топишда ўзаро ҳамкорликнинг ўрни жуда муҳим, хусусан, БМТ Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармасининг қўллаб-қувватлаши фуқаросизликка тўла барҳам беришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга”[7].

Мазкур компания бошланганидан сўнг Марказий Осиё давлатларида фуқаросизликни қисқартириш бўйича бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

**Қирғизистон Республикасида** 2005–2015 йилларда 13 500 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларга фуқаролик берилди. Мамлакат ҳукумати 2019 йилда #Beiong компанияси доирасида фуқаросизликни таг томири билан тугатиш чора-тадбирларини кўриш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Хусусан, “Қирғизистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунида туғилганлик ҳолатларини умумий қайд этиш, шунингдек, халқаро стандартлар ва фуқароликдан чиқарилганида фуқаросизликнинг кафолатлари бўйича фуқаролиги бўлмаган шахс тушунчасига таъриф берилди.

Сўнгги беш йил давомида Қирғизистон Республикаси ҳукумати томонидан фуқаросизликни қисқартириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 13 700 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс, жумладан 2 000 нафар болаларга Қирғизистон Республикаси фуқаролиги берилиши сабабли мамлакат ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахслар нолга тугатилишига эришилди. Натижада 2023 йилда Қирғизистон фуқаросизликни қисқартириш ва таг томири билан йўқ қилиш бўйича мажбуриятларни бажарганлик бўйича Глобал форумда маълум қилди.

**Қозоғистон Республикасида** 2009 йилда ўтказилган аҳолини миллий рўйхатдан ўтказиш натижаларига кўра, мамлакатда 57 000 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар аниқланган. Қозоғистонда 2017 йилда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг натурализация қилинишини соддалаштириш бўйича қонун ҳужжатларига, шунингдек, 2019 йилда “Никоҳ ва оила тўғрисида”ги кодексга ўзгартиш киритилиб, мамлакат ҳудудида туғилган барча болаларни, уларнинг ота-оналарининг ҳуқуқий ҳолатидан қатъи назар, қайд этишни таъминлади.

#IBeiong компанияси доирасида фуқаросизликни тағ томири билан тугатиш чоратadbирларини кўриш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган Қозоғистонда ҚБОК ҳамда фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб, фуқаролиги бўлмаган шахсларни аниқлаш бўйича миллий механизмни жорий этиши натижасида 1 600 нафардан ортиқ фуқаролиги аниқланмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида тан олинисига эришилди.

Бундан ташқари, 2021 йилда кампания 7 300 нафарга яқин фуқаролиги бўлмаган шахсни аниқлади, улардан 4 100 нафардан ортиғи Қозоғистон фуқаролигини тасдиқлашда ёрдам олди, 2 000 нафарга яқини эса де-юре фуқаролиги йўқ сифатида расман рўйхатга олинди[8].

2022 йилда фуқаролиги бўлмаган шахсларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириш бўйича умуммиллий компания ниҳоясида 8 822 нафар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз юрган шахслар аниқланиб, улардан 4 868 нафари Қозоғистон фуқароси ва 2 683 нафари фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида ҳужжатлаштирилди. Қозоғистон 2023 йилда фуқаросизликни қисқартириш ва тағ томири билан йўқ қилиш бўйича мажбуриятларни бажарганлик бўйича Глобал форумда маълум қилди.

**Тожикистон Республикасида** 2005–2015 йилларда 1954 йилдаги “Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мақоми тўғрисида”ги конвенция талабларига мувофиқ, фуқаросизликни қисқартириш ва фуқаролиги бўлмаган шахс тушунчасига таъриф бериш бўйича “Тожикистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Конституциявий қонунига ўзгартишлар киритилди.

Бундан ташқари, 2019 йилда мамлакат ҳудудида ноқонуний яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномаларини бериш орқали уларнинг мамлакат ҳудудида бўлишини қонунийлаштириш бўйича Амнистия тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Натижада республика ҳудудида яшаётган 8 749 нафар шахсга яшаш гувоҳномалари расмийлаштириб берилди, бу эса мазкур шахсларнинг Тожикистон фуқаролигини қабул қилиш учун ҳужжат топшириш имкониятини яратди[9].

Янги қонун билан илгари собиқ иттифоқ фуқаролигида 2016 йил якунига қадар Тожикистон ҳудудига кириб келиб, ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга мамлакат ҳудудида бўлиш қоидаларини бузганликлари учун ҳеч қандай маъмурий таъсир чорлари қўлланилмаган ҳолда, яшаш гувоҳномалари расмийлаштириб берилишини назарда тутган.

Бундан ташқари, 2021 йилда фуқаросизлик ҳолатларини камайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида 4 000 дан ортиқ киши шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлди. Шунингдек, 4 000 га яқин фуқаролиги бўлмаган шахс аниқланган ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади[10]. Тожикистон 2023 йилда 3 379 нафар фуқаролиги ноаниқ бўлган шахсларнинг фуқаролигини тасдиқлади.

**Туркменистон** фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳуқуқий мақом олиш ва шу тариқа асосий инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини берувчи фуқаролиги йўқлигини аниқлаш тартиб-таомилларини жорий қилди.

Туркменистон 2011 йилда Марказий Осиё давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, БМТнинг “Фуқаросизликни камайтириш тўғрисида”ги ва “Қочоқлар мақоми тўғрисида”ги конвенцияларига қўшилди ҳамда мамлакатда яшаётган 21 000 дан ортиқ қочоқларга ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга фуқаролик берилди[11].

Бундан ташқари, 2019 йилда Туркменистон #IBelong компанияси доирасида белгиланган муддатларда фуқаросизликни таг томири билан тугатиш чора-тадбирларини кўриш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олиб, 2024 йилга қадар фуқаросизликни тугатиш бўйича миллий ҳаракатлар режасини қабул қилди[12].

Шу билан бирга, 2020 йилда “Фуқаролик ҳолатини қайд этиш тўғрисида”ги янги қонун қабул қилиниб, мазкур қонун мамлакат ҳудудида туғилган барча болаларни, уларнинг ота-оналарининг ҳуқуқий ҳолатидан қатъи назар, қайд этишни назарда тутди[13]. Бунда, боланинг туғилганлиги ҳолатини рўйхатга олиш фуқаросизликка барҳам беришнинг муҳим чораларидан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий мақомини таъминлайдиган ва келгусида жамият тараққиётида фаол иштирок этиш имконини берадиган дастлабки ва энг муҳим қадам ҳисобланади.

Бундан ташқари, мамлакат ҳудудида узоқ йиллар давомида фуқаролиги бўлмаган мақомда юрган шахсларга Туркменистон Президентининг тегишли қарорларига асосан, 2021 йилда 2 657 нафар, 2022 йилда 1 530 нафар ва 2023 йилда 1 301 нафар фуқаролик берилди[14].

**Ўзбекистон Республикаси** Президенти Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатда фуқаросизликни қисқартириш бўйича бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқаросизликни камайтириш бўйича 2018 йилнинг 7–8 июнь кунлари Алмати шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари вакиллари иштирокида минтақавий учрашув бўлиб ўтди.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Универсал шарҳи доирасида ўтказилган 30-сессиясида Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг 1961 йилдаги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш билан боғлиқ тавсияларни олди.

БМТ Бош котиби Антониу Гуттеришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги чақириғини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистонда узоқ йиллар давомида фуқаролиги бўлмаган шахс мақомида яшаб келаётган шахсларга Ўзбекистон фуқаролиги бериш бўйича амалдаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатларга ўзгартишлар киритишга қарор қилинди.

Натижада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Қонунда фуқаролик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишнинг тартиб-таомиллари соддалаштирилди ва мутлақо янги институт — тан олиш институти жорий этилди. Унга кўра:

1) 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ёки 15 йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш механизмлари жорий этилди;

2) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сақлаб қолинмаган тақдирда, ушбу ҳолатларни суд тартибида аниқлаш қондаси белгиланди;

3) боланинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган тақдирда, уни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби ўрнатилди;

4) Ўзбекистон Республикасида туғилган фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш мақсадида мурожаат қилиш учун зарур бўлган 5 йил яшаш шарти (фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олган кундан эътиборан) бекор қилинди.

Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида “... Бош котиб Антониу Гуттериш Жаноби Олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади” дея таъкидлади[15].

Ўзбекистонда 1991–2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари билан 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган бўлса, 2016 йил декабрь ойидан 2024 йил 1 июль кунига қадар 24 409 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон фуқаролиги тақдим этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш механизми орқали 57 430 нафар фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида тан олинди. Натижада Ўзбекистон фуқаросизликни қарийб уч баробарга камайтирди. ҚБОК ушбу саъй-ҳаркатларни юқори баҳолаб, фуқаросизликка чек қўйиш тинчлик, хавфсизлик ва мажбурий кўчишларнинг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлади.

#IBelong 2024 йилга қадар дунё бўйлаб фуқаросизликка чек қўйиш мақсадида #IBelong компанияси бошланган 2014 йилдан буён Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда 163 мингдан ортиқ фуқаросизлик ҳолатлари ҳал этилган. ҚБОК Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг фуқаросизликни йўқ қилиш борасидаги ютуқларини юқори баҳолайди.

## ХУЛОСА

Жорий йил 17 май куни Тошкент шаҳрида ҚБОК ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда туғилишни қайд этиш орқали фуқаросизликни қисқартириш мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Ўзбекистондаги Доимий мувофиқлаштирувчиси вазифасини бажарувчи Ашита Миттал иштирок этиб, Марказий Осиё мамлакатларининг фуқаросизлик ҳолатларини камайтириш ва йўқотиш бўйича саъй-ҳаракатлари муҳим натижалар берганлигини БМТ юқори баҳолаши, бу ютуқлар мажбурий кўчирилган ва фуқаролиги бўлмаган инсонларнинг четда ёлғизланиб қолмаслиги ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга муносиб ҳисса қўшиши учун хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, конференцияда 2014 йили БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси томонидан фуқаросизликка барҳам бериш учун #IBelong глобал кампанияси якунига етаётган мазкур ўн йилликда бутун дунё давлатларида фуқаросизликни камайтириш ва йўқотиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил кучайишига туртки бўлганлигини таъкидлаб ўтди[16].



Ўзбекистонда ҳам фуқаросизликка барҳам бериш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини амалга ошириш йўлидаги аҳамиятли қадамларидан бири бўлиб, мазкур йўналишда ишлар давом эттирилади ва бунга барча имкониятлар сафарбар этилади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. *Акулова Ю.А.* Взаимодействие бывших союзных республик по вопросу гражданства //Право: история, теория, практика: материалы II междунар.науч.конф. Санкт-Петербург, 2013 – С. 39–42.

2. Минтақавий давра суҳбати: Фуқаросизликка барҳам бериш истиқболлари <http://nhrc.uz/uz/news/mintaqaviy-davra-suhbati-fuqarosizlikka-barham-berish-istiqbollari>.

3. Минтақамиз мамлакатлари фуқаросизликка барҳам бериш бўйича саъй-харакатларини кучайтирмоқда <http://nhrc.uz/uz/news/m13200>

4. *Акулова Ю.А.* Взаимодействие бывших союзных республик по вопросу гражданства //Право: история, теория, практика: материалы II междунар.науч.конф. Санкт-Петербург, 2013 – С. 39–42.

5. *Михалева Н.А.* Конституционное право зарубежных государств СНГ: Москва Юрист (адвокат), 1998. – С. 151–162.

6. Компания по ликвидации безгражданства <https://www.unhcr.org/ru/ibelong>.

7. Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция ўзбек тилига таржима қилинди <http://pravacheloveka.uz/uz/news/fuqarosizlikni-kamajtirish-trisidagi-konventsija-zbek-tiliga-tarzhima-ilindi>.

8. В УВКБ ООН высоко оценили усилия Узбекистана по искоренению безгражданства <https://www.gazeta.uz/ru/2022/03/03/citizenship/>.

9. УВКБ ООН приветствует принятие нового закона для решения проблемы безгражданства в Таджикистане <https://www.unhcr.org/centralasia/11583-unhcr-welcomes-tajikistans-new-law-tackling-statelessness.html>.

10. В УВКБ ООН высоко оценили усилия Узбекистана по искоренению безгражданства <https://www.gazeta.uz/ru/2022/03/03/citizenship/>.

11. Международная встреча «Успешный опыт Туркменистана в сокращении безгражданства» <https://www.mfa.gov.tm/ru/news/188>.

12. Туркменистан продолжает играть ведущую роль в искоренении безгражданства в Центральной Азии <https://www.unhcr.org/centralasia/11246-turkmenistan-continues-to-play-a-leading-role-in-ending-statelessness-in-central-asia.html>.

13. УВКБ ООН приветствует новый закон Туркменистана о всеобщей регистрации рождений и предотвращении безгражданства среди детей <https://turkmenistan.un.org/ru/87124>.

14. В Ашхабаде состоялась церемония вручения паспортов Туркменистана лицам без гражданства <https://business.com.tm/ru/multimedia/9203/v-ashhabade-sostoyalas-ceremoniya-vrucheniya-pasportov-turkmenistana-licam-bez-grazhdanstva>.

15. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.

16. Минтақамиз мамлакатлари фуқаросизликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтирмоқда <http://nhrc.uz/uz/news/m13200>.